Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 28 сентябрь 1973 йил, жума ✦ № 229 (15.703). ✦ Баҳоси 2 тийин.

КОИНОТДА ЯНА СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ

„СОЮЗ-12“ ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ер атрофи космик фазосида тадқиқотлар ўтказиш программасига мувофиқ 1973 йил 27 сентябрда Москва вақти билан соат 15 дан 18 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-12» космик кемаси учирилди.

Ер йўлдошининг мўлжалдаги орбитасига чиқарилган космик кемани кема командири подполковник Василий Григорьевич Лазарев билан борт инженер Олег Григорьевич Макаровдан иборат составдаги экипаж бошқармоқда.

Икки суткага мўлжалланган орбитал учиш программаси:

— Такомиллаштирилган борт системаларини комплекс равишда текшириб кўриш ва синашни;

— Турли учиш режимларида қўлда ва автоматик бошқариш жараёнларини янада пишиқтиришни;

— Халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун маълумотлар олиш мақсадида ер юзининг айрим участкаларининг спектрографик суратини олишни кўзда тутади.

«Союз-12» кемасининг тажриба тариқасида учиши бошқариладиган космик кемаларни янада такомиллаштириш борасида ўтказилаётган иш босқичларидан биридир.

«Союз-12» кемасининг экипажи билан барқарор радио алоқа ва телевизион алоқа боғлаб турилибди.

Космонавт Лазарев ва Макаров ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этишяпти, борт системалари нормал ишлаб турибди.

Космонавт Лазарев ва Макаров ўртоқлар белгиланган учиш программасини бажаришга киришишди.

ПАХТАЧИЛИК — БОШ ЙЎЛИМИЗ

Пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишларини ўтказиб туриш тарихий анъанага айланди. Бу анжуманда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг иштирок этиши ва сермазмун нутқи мамлакатимиздаги барча пахтакорлар учун катта аҳамиятга эга бўлган воқеа, кўрсатмалари ва маслаҳатлари жанговар иш программаси бўлиб, оммаларнинг активлигини оширади, меҳнатда янги шижоатларга руҳлантиради, меҳнаткашларни ҳосил йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишга ва давлатга пахта сотиш социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этади.

Аввалги анжумандан буён ўтган қисқа фурсатда мамлакатимиз ҳаётида сиёсий-иқтисодий, социал-маданий жиҳатдан мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ва маданияти бениҳоя ўсди. Бундай ўзгаришлар орасида пахтачилигимизнинг равнақи алоҳида ўрин тутади. Узбекистоннинг умумиттифоқ бойлигига қўшаётган ҳиссаси унинг етиштираётган пахтаси билан белгиланади. «Оқ олтин» деб аталган пахтамиз республикамиз миқёсида ҳам, ўмумиттифоқ миқёсида ҳам айниқса катта роль ўйнамоқда. Пахтачилигини тараққий эттиришда КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Совет ҳукуматининг оталарча ёрдамини ҳар қадамда сезиб турибмиз ва қадрлаймиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг куни кеча Тошкентда ўтказилган йиғилишида «оқ олтин»ни олтин қўллар яратган деди. Бу, пахтакорларимизга берилган энг юксак баҳодир. Улар бундай баҳога Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бошчилигида ҳар қачонгидан ҳам яхши ишлаб, пахта етиштиришни тобора кўпайтириш туфайли мушарраф бўлдилар.

Биз пахтачиликни ривожлантиришда мамлакатимиздаги барча қон-қардош халқлар, хусусан улуғ оғамиз рус халқининг беғараз ёрдами туфайли янги юксакликларга кўтарилмоқдамиз. Партия таъкидлаганидек, қардошларча дўстлик ва интернационал бирдамлик бамисоли қудратли шунқор қанотлари сингари мамлакатимиз халқларининг асрий қолоқликдан ижтимоий тараққиёт чўққилари сари кўтарилишга, совет тузуми афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишига ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитети совет пахтакорларининг меҳнатини юксак даражада қадрламоқда. Кейинги йилларда Узбекистон ва бошқа пахтакор республикалар меҳнаткашлари деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳосилдорликни кўпайтириш ва барқарор мўл ҳосил олиш борасида жуда катта иш қилдилар. Улар ўз ишларига меҳр-муҳаббат қўйган, бутун совет халқи олдидаги ўз бурчини яхши билган кишилар бўлганликлари учун мана шу эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмаганликлари актив йиғилишида алоҳида таъкидланиб ўтилди.

Мамлакатга «оқ олтин» бераётган Узбекистон ва бошқа республикаларнинг вакиллари ўз имкониятларини яна бир марта ҳисоблаб чиқиб, шу йиғилишда янги, оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Узбекистон давлатга 4 миллион 850 минг тонна пахта етказиб беради. Шуникидек Туркманистон 945 минг тонна, Тожикистон 775 минг тонна, Озарбайжон 450 минг тонна, Қозоғистон 300 минг тонна, Қирғизистон 200 минг тонна «оқ олтин» армуғон этади. Тўққизинчи беш йиллигининг ҳал қилувчи, учинчи йилида мамлакатимиз 7 миллион 520 минг тонна, яъни ҳозиргача бўлмаган рекорд миқдорда пахта олади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг пахтакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб катта ишонч билдирди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва активда иштирок этган республикамиз меҳнатчиларининг вакиллари бутун халқимиз номидан она-Ватанга 4 миллион 850 минг тонна пахта етказиб бериш ҳақидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневни қаттиқ ишонтирди. Бошқа пахтакор республикаларнинг вакиллари ҳам айнан шундай юрак сўзларини изҳор этдилар.

Партиямиз томонидан қўйилган мақсад шуки, қишлоқ хўжалигимизни замонавий техника имкониятларига ва коммунистик қурилиш эҳтиёж-талабларига чинакам муносиб даражага кўтариш керак. Биз қишлоқ меҳнатчиларининг аҳиллик билан меҳнат қилиши, саноатнинг қишлоқни тобора кенг кўламда қўллаб-қувватлаши, бутун халқнинг куч-ғайрати билан партия раҳбарлигида бу мақсадга эришамиз. Ишни шундай ташкил этмоқ керакки, юксак меҳнат унумдорлиги учун, ишлаб чиқаришда яхши кўрсатгичларга эришмоқ учун, маҳсулотнинг юқори сифати учун кураш умум халқ иши бўлиб қолсин. Давр, замон талаби шундай.

Партиямиз шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, бундай демоқда: 1973 йил планини бажариш сизларга боғлиқдир! Ишчилар синфимиз, деҳқонларимиз, зиёлиларимиз партиянинг даъватига янги меҳнат зафарлари билан жавоб берадилар, беш йиллигининг учинчи ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар, деб ишонамиз.

Коммунистик партия Узбекистоннинг меҳнатига баҳо бераётганида унинг сергайрат ва моҳир пахтакорларини ҳар доим яхши сўзлар билан эсга олади. Мўл ҳосил етиштириб, уни териб олиш учун нақадар катта куч сарфланаётгани, партия ташкилотлари жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб бораётганини ҳамма билади. Пахта йиғим-терими хўжалик йилининг ҳал қилувчи босқичидир. Бунда вақтдан утиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, машиналар қувватидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Коммунистлар ҳосил тақдири ҳал қилинаётган жойларда иш олиб борса, ички резервларни харакатга келтиришга бош-қош бўлса юк енгил кўчади, манзил қисқаради, планлар ва мажбуриятлар тезроқ бажарилади, пахтанинг сорти яхшиланади.

Андижон областининг пахтакорлари ана шу ҳақ йўлдан бориб, пахта тайёрлашни кун сайин кучайтирмоқдалар. Область бўйича кунига йиллик планнинг 5 процентидан ошириб «оқ олтин» тайёрлашга эришилди. Сирдарё, Тошкент областларида «зангори кема»ларнинг ишга тушрилиши суръатга қанот боғламоқда. Бу областларда ҳам тўрт процентдан ошириб пахта тайёрланиб, бешолти процентлик марра нишонга олинмоқда.

Республикамизнинг илғор колхоз ва совхозлари йиллик пахта тайёрлаш планларини қисқа фурсатда шараф билан бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига ҳом ашё топшира бошлаганига анча бўлди. Булар орасида Китоб районидаги «Шаҳрисабз» совхози, Ленин районидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли «Правда Востока», «Коммунизм» Бўз районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов раислик қилаётган «Партия XXII съезди» колхози ва бошқа хўжаликлар бор. Шуниси диққатга сазоворки, бу хўжаликлар ҳосилдорликни гектар бошига 45-50 центнерга етказиш, бир йилда икки йиллик план миқдорида пахта тайёрлаш, теримни тез кунда тугаллаш, келгуси йил юқори ҳосилига мустаҳкам замин яратиб қўйиш учун курашмоқдалар.

Бироқ терим ҳамма жойда ҳам юксак талаблар даражасида ташкил этилаётир деб бўлмайди. Кейинги кунларда баъзи областларда терим суръати пасайтириб юборилди. Теримни биринчилар қаторида бошлаган Бухоро областида суръат кўтарилмаяпти. Самарқанд, Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССРда теримда юксак кўрсаткичларга эришишда ижобий таъсир кўрсатадиган ички резервлардан қониқарсиз фойдаланмяпти. Машиналарнинг тўла қувват билан ишлашига етарли шароит яратиб берилмаяпти, механик-ҳайдовчилар орасида социалистик мусобақа кенг кўламда қизитилмаяпти.

Бу йил республикамиз бўйича машиналарда икки ярим миллион тонна пахта терилиши керак. Ҳар бир машина икки сменада ишлатилганда, кўп юз тонначи механизаторлар сафи кенгайтирилгандагина бунга эришиш мумкин. Афсуски, кўп жойларда «ғўзаларнинг барги яхши тўкилмагани» рўкач қилиниб, машиналар тўла ишга тушрилмаяпти, уларнинг иш унумини ошириш чоралари кўрилмаяпти. Ҳамон консерваторлик ҳолларининг учраб турыши катта нуқсондир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: мансабларга эришишнинг тўғри йўли меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатдир, ўз қўли билан бахтли ҳаёт қураётган совет кишиларининг завқланиб, моҳирлик билан қилаётган, яхши ташкил этилган меҳнатидир. Инсон — жамиятга, жамият — инсонга хизмат қилади. Социализм шароитида шахс билан жамият узаро муносабатларининг характери ана шундай. Меҳнат қилиш — ҳаётимизнинг асосий қонуни, ҳар бир совет оиласи, ҳар бир совет кишиси фаровонлигининг туб шарти.

Шундай экан, бугун хотин-эркак, кенса-ёш, ўсмир — ҳамманинг ўрни меҳнат фронти — пахтазорда! Ҳар бир оила, ҳар бир киши ўзини пахтакор ҳисобланмоғи, йиғим-теримда жонбозлик кўрсатиб ишламоғи, графикларнинг ошириб бажарилишга ҳисса қўшмоғи зарур. Ҳеч ким пахта теримидан четда туриши мумкин эмас.

Пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва маслаҳатлари асосида кенгайтирилган резолюция қабул қилди. Партия ташкилотлари шу тарихий ҳужжатни кенг меҳнаткашлар оммасининг онгига пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали сингдириши, уларнинг куч-ғайратини пахта йиғим-теримини ғоят қисқа фурсатда ўтказиш, келаси йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўриш, чорва қишловини шайланиб кутиб олиш ва намунали ўтказиш, хўжалик йили топшириқларини ҳамма кўрсатгичлари билан тўла ва ошириб адо этишга сафарбар қилишлари лозим. Куз-нузлигини қилади. Ҳозирги ҳар бир ғанимат кундан унумли фойдаланмоқ даркор.

Партия ташкилотлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун масъулиятни кучайтиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Янгли интизом — муваффақият гаровидир. Пахта тайёрлаш планлари ва социалистик мажбуриятларнинг нечоғли тез ва мукаммал бажарилиши кўп жиҳатдан ва асосан меҳнаткашлар орасида интизомнинг мустаҳкамланишига боғлиқдир.

Партия ташкилотлари кадрларимизни камтарлик, ишчанлик, юксак масъулият руҳида, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида қунт билан тарбиялашни янада кучайтирмоқлари зарур.

Совет Узбекистонининг ишчилар синфи, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари жонажон Коммунистик партия ва унинг жанговар штаби — Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети тевараги да ўз сафларини тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштирадилар. Ленин партиясининг улуғ ишига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар, халқларнинг қардошларча дўстлигини асраб мустаҳкамлайверадилар, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм байроғини баланд кўтарадилар, коммунизм қуришнинг жуда улкан планларини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшаверадилар.

ЧЕКСИЗ ҚУВОНЧ

АНДИЖОН, (**«Совет Узбекистони» мухбири**). Куни кеча катта тантаналарнинг шоҳиди бўлдик. Узбекистонга Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Ватаннинг юксак мукофотини КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсан ўзи топширди. Бу, — барча совет халқи сингари Андижон область меҳнат аҳлини ҳам ғоят қувонтирди, ҳаяжонга солди. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Узбекистонга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган ёрқин нутқини кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. Бу муҳим ҳужжат радиода ўқилаётган пайтда Бўз районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси Юсуфжон Нуриддиновни пахтазорда учратдик.

— Узбекистонга Халқлар дўстлиги ордени берилди. Бу — пахтакорлар ишига берилган юксак баҳодир. Биз бундан беҳад хурсандмиз. Олий мукофот кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Совхозимиз пахта тайёрлаш давлат планини тўлдириш арафасида турибди. Эрта-индин ғалаба рапортини имзо чекамиз. Мен бу йилги мавсумда «Узбекистон» маркали машинада 800 тонна пахта теришга сўз бердим. Бугунгача 550 тонна пахта тердим.

А. ҚУРОНБОЕВ.

МЕҲНАТИМИЗ — ВАТАНГА

Ҳозир Узбекистон унутилмас, қувончли кунларни бошдан кечирмоқда. СССР халқлари қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси — республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Бу воқеа шу жиҳатдан янада қувончлиқ, Ватаннинг юксак мукофотини республикамизга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев топширди. Леонид Ильич Узбекистон пахтакорларининг меҳнатига юксак баҳо берди. Пахтакорларнинг олтин қўллари, деди у, оқ пахтани оқ олтинга айлантирмоқда.

Биз, пахтакорларнинг «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш учун курашдан кўра муҳимроқ вазифамиз йўқ. Ҳозир Шеробод даштидаги барча меҳнатчилар Ватанга мумкин қадар кўпроқ пахта бериш ниятиёқи билан яшамоқдалар. Бу ерда пахтанинг энг қимматли, ингичка толали навлари етиштириладиган янги зона барпо этилмоқда. Чўлқуварлар мўл ҳосил етиштирдилар.

Бизнинг комсомол-ёшлар бригадамиз эллик гектар кўрик ер ўзлаштирди. Пахта тайёрлаш йиллик планини ҳозирдаёқ бажариб қўйдик. Ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳосил кўтаридик. Бироқ, далаларимизда ҳали пахта кўп. Биз ҳар гектар ердан яна 25 центнердан пахта териб олишимиз мумкин. Бу эса пахтакор республикаларнинг Тошкентда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида қабул қилинган янги мажбурият — беш йиллигининг ҳал қилувчи йилида 1.850 минг тонна Узбекистон пахтасини бериш мажбуриятини бажариш ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

Бригадамиз далаларидаги бутун ҳосилни машинада ўзим тераман. Ҳозиргача 300 тонна пахта тердим. Мавсумда терган пахтам миқдорини 550 тоннага етказиш мажбуриятини оламан.

М. ҚУРБОНОВА.

Сурхондарё областидаги Раҳимов номли совхоз комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Жиззах районидаги «Москва» колхозида яна икки бригада зафар қучди. И. Хўжаназаров ва М. Шаропов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари 231—240 тоннадан «оқ олтин» тайёрлаб маррага етдилар. Эришилган бу меҳнат ғалабасига Пардабой Ҳамроев, Низом Суннатов сингари моҳир механизаторлар муносиб ҳисса қўшдилар. Ғолиб бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

И. ҚАРШИБОЕВ.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Сизлар «оқ олтин» яратган олтин қўлли кишиларсиз. Бу йил ҳам ҳалол меҳнат билан янги мажбуриятимиз 4 миллион 850 минг тонналик маррани эгаллайдиган пахта яратдингиз. Бутун чоралар билан теримни кучайтиринг, ҳар куни йиллик планнинг 7-8 процентти миқдорида пахта тайёрлашга эришинг!

● Пахта далаларининг усталари Ҳафиз Полвонов, Мамажон Дадажонов, Турсуной Охунова, Шоймардон Қудратов, Светлана Продан, Мария Ковалева, Энвер Алиев ва бошқа кўпгина азаматлар ўзларининг шавкатли меҳнатлари билан мамлакатимизда шуҳрат қозондилар. Мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда уларга тенглашинг, касбингизни шарафлаш учун курашинг!

● Андижон, Сирдарё, Тошкент областларининг пахтакорлари кунлик ўсишда қарвонбошилик қиляпти, уларнинг ишидан ибрат олинг, уларга тенглашинг. Ҳар бир бригада, бўлим, колхоз, совхоз ва районда бир кунда бир ярим-икки кунлик график миқдорида пахта тайёрланишини таъминланг. Механик-ҳайдовчилар ва теримчилар мусобақасини кучайтиринг!

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Телефонда: Жиззах район ижроия комитетининг раиси Абдураҳмон НОРМУРОДОВ

— **Сирдарё воҳасида байроқдорлик қилаётган Жиззах райони пахтакорларини машина терими планини республикада биринчи бўлиб бажарганликлари билан қизғин табриклаймиз. Абдураҳмон Нормуродович, ажойиб меҳнат ютуқларингиз борси ва пахтакорларнинг янги режалари ҳақида сўзлаб беришингизни илтимос қиламиз.**

— Район пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кадрдон Леонид Ильич Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган отаман нутқини меҳнатда зўр кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. Кеча йиллик планга нисбатан 5 процент пахта тайёрланди. Бугун эса бу суръат 5,5 процентга кўтарилди. Эртага эса терим суръатини 6 процентга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Катта карвон мусобақасида Ленин орденли «Москва» колхозининг пахтакорлари байроқдорлик қилмоқдалар. Бу машъал хўжалик қариб 10 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирмоқда. 3,5 минг гектар майдонни пахтазор ташкил этади. Колхоз фидокорлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доно кўрсатмаларидан илҳомланиб, бу йил пахта хирмонини 15 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Шунингдек, Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли колхоз деҳқонлари ҳам ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказишга аҳд қилиб, ташаббускор москвиликлар изидан боришмоқда. Бу илғор хўжаликларда кунига 5,5-6,5 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

— **Бу йил машина теримини республикада биринчи бажардик, пахта тайёрлаш давлат планини 1 октябрда уддалаймиз. Район пахтакорларининг қарори шундай. Социалистик мажбуриятни эса 15 октябрда адо этамиз. Она-Ватанга белгиланган пландан ташқари 20 минг тонна «оқ олтин» армуғон қиламиз. 1 октябрга қадар кунига 6 процентдан пахта тайёрланса, зафар маррасини эгаллагандан сўнг ҳам бу суръатни туширмаслик ҳаракатида бўламиз. Шундай қилиб, бу йил давлат қабул пунктларига 60 минг тоннадан зиёд Жиззах дурдонаси етказиб берилади.**

Ваъдага вафо — марднинг иши. Район пахтакорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун далаларда қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. 35 минг тонна «оқ олтин»ни машиналарда териб олишга аҳд қилган механизаторларимиз жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Шу кеча-кундузда далаларимизда 400 дан ортиқ «зангори кема» ишламоқда. «Зангори кема» суворийларининг катта группаси хозиргача 100-150 тоннадан пахта териб қўйишди.

Пахтакорларга қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш колхоз правлениелари ва маҳаллий Советларининг асосий диққат-эътиборида турибди. Улкан «оқ олтин» хирмони йўлида меҳнат қилаётган азамат деҳқонларни қадрлаш, рағбатлантириш, ардоқлаш, уларга энг қулай шароитларни яратиб бериш — район Совети ижроия комитети фаолиятининг асосий қиррасини ташкил этади.

— **Жиззах районининг яқин келажаги, асосан пахтачиликнинг истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Жиззах райони сўнгги йилларда халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича қуриб, ривожланиш палласига кирди. Айни пайтда район хўжаликлари янада катта истиқболлар оғушида турибди. Жиззах келажакда Қарши ва Мирзачўлдан сўнг республиканинг энг катта пахтачилик маскан ларидан бирига айланиб қолади. Шу беш йилликда районимиз планга кўра 192 минг тонна пахта тайёрлаши лозим. Пахтакорларимиз беш йилликни уч йилда бажаришга қарор қилиб, беш йиллик охирига қадар давлатга 302 минг тонна ёки пландан ташқари 110 минг тонна пахта етказиб берадилар. Жиззахликлар бу йил 60 минг тонна, 1974 йилда 65 минг тонна, 1975 йилда 70 минг тонна, 1978 йилда эса 100 минг тонна «оқ олтин» хирмонни учун курашадилар. Район пахтакорлари аниқ максад ва вазифалар йўлида дадил қадам ташлаб, янги-янги меҳнат ютуқларига эришаверадилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ К. Р. РОДРИГЕСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 26 сентябрда Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариятининг аъзоси ўртоқ К. Р. Родригесни қабул қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ К. Р. Родригес ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Куба ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, ҳар иккала халқларнинг манфаатлари, социалистик ҳамдўстликни, барча революцион ва антиимпериалистик кучларнинг бирлиги ва жипслиги манфаатлари йўлида КПСС билан Куба Компартияси ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга доир масалалар қараб чиқилди. Халқаро аҳволнинг ҳар икки томонни қизиқтирган баъзи муҳим проблемалари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Ўртоқ К. Р. Родригес Компартиянинг, Революцион ҳукуматнинг ва бутун Куба халқининг халқ хўжалигини ривожлантириш планларини бажаришга қаратилган зўр ғайратшижоати тўғрисида гапириб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев кубалик дўстларга социалистик жамият қуришда, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда янги кўнгилдан катта муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси ўртоқ К. В. Русанов, шунингдек Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ С. Агирре Дель Кристо иштирок этдилар.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 27 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Плانга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада	
			бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	2,95	67,00	3,99	58,89
Қашқадарё	2,15	63,78	2,34	43,81
Сурхондарё	3,04	51,52	3,49	42,50
Фарғона	2,60	44,08	2,92	26,63
Наманган	3,15	43,27	5,21	45,25
Сирдарё	3,01	39,00	3,88	46,38
Бухоро	0,82	36,19	0,72	25,07
Тошкент	2,51	33,70	3,00	33,30
Хоразм	2,00	30,67	1,47	12,84
ҚҚАССР	2,09	27,27	1,95	13,90
Самарқанд	1,16	22,09	1,74	16,99
Республика бўйича:	2,33	41,94	2,92	34,30
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2,26	41,79		
Қашқадарё	1,59	38,04		
Бухоро	0,12	8,07		
Республика бўйича:	1,91	38,12		

СКОПЛЕДА УЧРАШУВ

СКОПЛЕ. 26 сентябрь. (**ТАСС махсус мухбири**). Македония Социалистик Республикасининг пойтахти Скопле ўзининг катталиги жиҳатидан Югославиянинг йирик саноат маркази бўлиб, унинг аҳолиси 420 минг кишига етади. Бугун бу ерга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин келди. Югославия Иттифоқ ижроия веҳеси раисининг ўринбосари Я. Сироткович, Иттифоқ ижроия вечесининг аъзоси М. Бировлев ва бошқа расмий кишилар унга ҳамроҳ бўлиб келишди.

(Давоми иккинчи бетда).

Олмалиқдаги Ленин номли тоғ металлургия комбинатининг мис эритиш заводи коллективи ҳал қилувчи йил топшириқларини барвақт бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Суратда: илғор ишчи, коммунист И. Лихачовни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Фарғона областидаги саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллиннинг учинчи, қай қилувчи йили топшириқларини ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш бўйича тўқиз ойлик программани муддатидан илгари 24 сентябрда бажардилар. Маргилон ипак комбинатининг, Фарғона ва Қўқон мой-ёг комбинатларининг, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналарининг коллективлари учинчи квартал охирида айниқса яхши ишладилар.

Область саноатининг меҳнатчилари планга қўшимча равишда 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор бердилар.

Самарқанд области саноатининг ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилиб, маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича тўққиз ойлик планини бажарганликлари тўғрисида муддатидан беш кун олдин рапорт бердилар. Маҳаллий саноат корхоналари, лифтсозлик заводи, Жума пахта тозалаш заводи, Лангар кон бошқармаси, Ғозғон карьер бошқармаси, Каттақўрғон ун заводи ва бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари ана шу муваффақиятга салмоқли хисса қўшдилар.

Область саноати сентябрь ойнинг охиригача топшириқдан ташқари 16 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида мак наҳўхори дони ва шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ўрилган маккажўхори (топшириқка нисбатан процент ҳисобида); учинчи стун — топширилган маккажўхори дони (топшириқка нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи стун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи стун — топширилган шоли (топшириқка нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	65,4*)	101,3	9,2	0,9
Сирдарё	64,3	100,1	3,6	1,1
Андижон	93,1	100,0	16,7	12,9
Сурхондарё	87,8	100,0	23,8	26,8
Фарғона	51,1	99,1	19,7	11,9
Наманган	70,8	93,3	26,1	18,0
Самарқанд	51,9*)	77,6	5,7	0,4
Қашқадарё	77,8	53,6	планда белгиланмаган	
Бухоро	69,7	71,5	планда белгиланмаган	
Хоразм	47,2	24,0	40,8	16,8
ҚҚАССР	54,8	21,9	11,4*)	12,8
Республика бўйича:	66,4*)	78,6	15,2	11,0

*) Маълумот аниқланган.

СКОПЛЕДА УЧРАШУВ

(Боши биринчи бетда).

Македония Социалистик Республикаси Мажлисининг Раиси Н. Минчев, республиканинг бошқа раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари СССР Министрлар Совети Раисини СССР ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг даврат байроқлари билан безатилган аэродромда кутиб олишди.

А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари металлургия заводини бориб кўришди. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан кенгайтирилаётган бу завод ишчилари Совет Иттифоқидан келган олий меҳмонни хурсандлик билан кутиб олишди.

Завод бош директори П. Ивановский ҳар йил 600 минг тонна пўлат тайёрлаб бераётган бу корхонанинг иши тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

А. Н. Косигин заводнинг бир қанча цехларини айланиб чиқ қанидан кейин шаҳарни томоша қилди, унинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб чиқди. Совет Иттифоқи томонидан шаҳарга тухфа қилинган комбинат ишлаб чиқараётган йирма деталлардан иморатлар қурилган кварталлар орқали ўтди.

Кунинг иккинчи ярмида Македония Социалистик Республикаси Мажлисининг Раиси Н. Минчев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин шарафига тушки зиёфат берди. Зиёфатда Македония Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Раиси А. Чемерский, республиканинг бошқа раҳбарлари, фан, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар. Совет томонидан зиёфатда А. Н. Косигининг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб юрган ишлаб СССРнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасидаги элчиси В. И. Степаков ҳозир бўлдилар.

Самимий ва дўстона вазиятга ўтган зиёфатда Н. Минчев ва А. Н. Косигин нутқ сўзлашдилар.

Македониянинг Мажлис Раиси Скоплени тиклашда берилган ёрдам учун Совет Иттифоқи халқларига чин кўнгилдан ташаккур айтди. А. Н. Косигиннинг Югославияга қилган бу сафари визити, деди у, Югославия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим хисса бўлиб қўшилади. Н. Минчев Югославия Социалистик Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини, айниқса, экономика соҳасида кенгайтирмоқ учун катта имкониятлар борлигини кўрсатиб ўтди.

А. Н. Косигин ўзининг жавоб нутқида, Югославия меҳнаткашларининг социалистик ғалабалари социализм эришаётган умумий ғалабаларининг бир қисми, муштарак ишимизнинг бир қисми эканлигини қайд қилиб ўтди. Мамлакатларимизнинг халқлари, деди у, социализм, тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган халқларнинг ҳамкасига бирдамлик қисмлари билан қарамоқдалар. Бундай бирдамлик, бир-биримизни қувватлашга тайёр бўлиб турганлигимиз имкониятларимизни кўп марталаб кўпайтираётган ва жуда катта аҳамиятга эга бўлаётган ажойиб хислатдир. Зилзила натижасида вайрон бўлган шаҳрингизни тиклаб олдингиз ва уни тагин ҳам гўзал шаҳарга айлантирдингиз. Мана шунинг ўзи Югославия халқларининг қардошлик бирдамлигини, шунингдек улар билан бошқа социалистик мамлакатлар халқларининг бирдамлигини ўзида мужассамлаштириб турибди, деса бўлади.

Бу сафарги Совет—Югославия музокаралари чоғида, деди А. А. Косигин, томонлар шу ҳар иккала мамлакат дўстлигини муттасил мустаҳкамлаш учун уларнинг ҳамкорлигини ривожлантирмоқ учун, социализм ва коммунизм қуриш ишида сарфланаётган куч ва ғайратларни бошқа социалистик мамлакатларнинг куч ва ғайратлари билан янада маҳкамроқ бирлаштирмоқ учун жуда қулай шароит мавжудлигини қайд қилиб ўтди. Бу ҳамкорлик совет ва югослав халқларининг манфаатларига хизмат қилмоқда, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш манфаатларига, кескинликни юмшатиш, мустаҳкам тинчлик ва социал тараққиёт ишига мос бўлиб тушмоқда.

БЕЛГРАД, 26 сентябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун кечқурун Белградга қайтиб келди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ТИНЧ—ТОТУВ ЯШАШ ПРИНЦИПЛАРИ— ХАЛҚАРО ТУРМУШ НОРМАСИ

Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи бутун дунёда ҳаммани жуда қизиқтирди ва бу тўғрида кўп фикрлар баён қилинмоқда.

● БЕРЛИН. «Берлин ер қайтунг» газетаси ўзининг бош мақоласида бундай деб ёзади: Социализмнинг сиёсий ва иқтисодий қуввати туфайли, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси туфайли, социалистик ҳамдўстлигимиз сиёсатининг муваффақиятлари туфайли тинчлик рўёбга ошириллиши мумкин бўлган реал мақсад бўлиб қолди.

● ВАРШАВА. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг София ва Тошкентда сўзлаган нутқлари Европада вужудга келтирилаётган тинчликнинг характерини белгилаб беради, деди Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Юзеф Озга-Михальский ТАСС мухбири билан суҳбатда, бу нутқлар тинчликнинг ғалабасига бўлган ишончни ифодалаб берди. Шу билан бир вақтда бу нутқлар фақат битта мақсадни, у ҳам бўлса барча халқлар учун тоғ муҳим бўлган тинчлик ишини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлаётган сиёсатга ишончсизлик билан қарамаслиги таъкидлайди. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик давлатлар жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлиб қолдилар.

● БУДАПЕШТ. «Непсабадшаг» газетаси ва Венгриядаги бошқа газеталар Л. И. Брежнев нутқининг баёнини «Тинч-тотув яшаш принциплари халқаро турмуш нормаси бўлиб қолиши лозим» деган сарлавҳа остида босиб чиқардилар.

СССР Хитойга ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузишни таклиф қилди ва «Хитой раҳбарлари бу мутлақо конкрет таклифга хатто жавоб беришни ҳам лозим топмадилар» деб Л. И. Брежнев нутқида айтилган гапларни «Мадьяр хирлаш» газетаси алоҳида таъкидламоқда.

● ПРАГА. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг яқинда Софияда сўзлаган нутқи, деб ёзади «Руде право» газетаси, бутун дунёда ҳамманинг диққат ва эътиборини тортган эди. Унинг Тошкентдаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқига ҳам қизиқиш ҳеч шубҳасиз, мана шундай катта бўлади. Л. И. Брежнев шу нутқида ҳозирги халқаро муносабатлардаги доимий саволларга равшан жавоб берди, совет ташқи сиёсатининг бош вазифаларини тавсифлаб ўтди. Европада ва жаҳоннинг бошқа районларида кескинликни юмшатишга олиб борадиган реал йўлларни кўрсатиб берди.

● НЬЮ-ЙОРК. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деб ёзади «Нью-Йорк дейли ньюс» газетаси, Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан муносабатларни яхшилашга қизиқаётганлигини яна бир марта таъкидлади. «Шу билан бирга у, икки буюк давлат бошқа халқларнинг тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини ўз қўлларига олдилар, деган даъволар совет сиёсатига, фикрига ва воқелиққа зид эканлигини уқтириб ўтди», — деб ёзади газета.

● ЛОНДОН. Англиядаги газеталарнинг аксарияти Л. И. Брежнев нутқининг батафсил баёнини босиб чиқарди. «Гардиан» газетаси Л. И. Брежневнинг нутқи тўғрисидаги хабарни «Хитой Совет Иттифоқининг таклифига қулоқ солмади» деган сарлавҳа остида биринчи саҳифада босиб чиқарди. «Дейли телеграф» газетаси ҳам Хитой Халқ Республикаси Совет таклифига жавоб бермаганлигини қайд қилиб ўтди. «Морнинг стар» газетаси Л. И. Брежнев нутқининг баёнини «Л. И. Брежнев Осиёда ҳамкорлик қилишга даъват этмоқда» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

● ПАРИЖ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, деб ёзади Франциядаги «Юманите» газетаси, Совет Иттифоқи билан Хитойни бир-бири билан тўқнаштиришга уринаётган сиёсий арбобларни ва ҳукуматларни огоҳлантириб қўйди. У бу икки мамлакат ўртасида бўладиган ҳар қандай можаро жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун фожиона оқибатларга олиб келур эди, деб уқтириб ўтди. «СССР, — деб ёзади «Фигаро» газетаси, — Хитой билан ўзининг муносабатларини нормаллаштиришга аввалгидек ҳозир ҳам тайёр, лекин Хитой раҳбарлари ашаддий антисоветизм сиёсатини давом эттирмоқдалар». (ТАСС).

АФРИКАДА ЯНГИ ДАВЛАТ

КОНАКРИ, 26 сентябрь. (ТАСС). Африка картасида янги мустақил давлат — Гвинея (ВИСАУ) Республикаси пайдо бўлди. Неча ўн йиллар давомида Португалия мустамлакачиларининг зулми остида азоб чеккан ана шу мамлакатни мустақил деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор мамлакатнинг озод қилинган районларида миллий халқ мажлисининг бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинди.

Сессияда янги давлатнинг конституцияси қабул қилинди. Бу конституцияда Гвинея (БИСАУ) суверен ва демократик давлат деб таъкидланади. Луис Кабрал бошчилигида Республика Давлат Кенгаши сайланди ва Франсиско Менде бошчилигида давлат комиссарлари кенгаши (ҳукумат) состави тасдиқланди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ РЕСПУБЛИКАСИ МУВАҚҚАТ РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 2 сентябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати Чили билан дипломатик муносабатларни узишга қарор қилди. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрлигининг ахборотида бундай дейилади: «Ҳарбий тўнтариш натижасида Президент Сальвадор Альенде-нинг қонуний ҳукумати ағдариб ташланган ва жиддий вазият вужудга келган ҳозирги шароитда Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати Чилидаги ўз элчихонасининг фаолиятини тўхтатишга ва ўзининг барча дипломатик ходимларини шу мамлакатдан чақириб олишга қарор қилди.

Иқтисодий интеграция проблемалари муҳокама қилинмоқда

ВАРШАВА, 26 сентябрь. (ТАСС). Польша пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи савдо ва илмий-тадқиқот муассасалари вакилларининг иқтисодий кенгаши очилди.

Кенгаш қатнашчилари, деб хабар беради ПАП агентлиги, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий интеграция проблемалари, шунингдек социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи савдо масалаларини муҳокама қиладилар.

Я. КАДАР ФИНЛЯНДИЯДА

ХЕЛЬСИНКИ, 26 сентябрь. (ТАСС). Финляндия Республикаси Президенти Урхо Кекконен таклифига биноан дўстлик визити билан бу ерда меҳмон бўлиб турган Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар бугун Президент У. Кекконен билан учрашди. Учрашув чоғида бўлиб ўтган музокараларда Финляндия томонидан ташқи ишлар министри Ахти Карьялайнен, ташқи савдо министри Перму Лайне ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Бугун ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар Хиетаниеми қабристонини зиёрат қилиб, Президент Ю. К. Паасикиви қабри устига гулчамбар қўйди.



Эрон. Теҳрондаги Фирдавсий майдони.

В. Кошевой фотоси. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКОНИНГ БМТ БОШ СЕКРЕТАРИГА МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь (ТАСС). «БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларини 10 процент қисқартириш тўғрисида ва тежаб қолинган маблағлардан бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун фойдаланиш тўғрисида» деган масалани сессия кун тартибига қўшимча модда қилиб киритиш тўғрисида илтимос қилиб, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари номига йўллаган мактуби БМТда Бош ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

СССР ташқи ишлар министрининг мактубида давлатлар ўртасидаги муносабатлар халқаро кескинликни камайтириш йўлидан қулай ривожланаётганлиги ва тинч-тотув яшаш принциплари асосида яхшиланаётганлиги уқтириб ўтилади. Мактубда Вьетнамда урушнинг тўхтатилганлиги, Европа қитъасида сиёсий муҳитнинг яхшиланганлиги ва жумладан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан кенгаш чақирилаётганлиги, ядро урушининг олдини олиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан Америка Ўртасида битимлар тузилганлиги мана шундай ижобий силжишлар учун мисол қилиб келтирилади.

Шу билан бирга, деилади ҳужжатда, дунёда ҳали халқаро кескинлик ва ҳарбий можаролар ўчоғи ҳали ҳам мавжуддир, қуролланиш пойгаси давом этмоқда. Айниқса иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган мамлакатларда ҳарбий мақсадлар учун жуда кўп маблағлар сарфланмоқда, деб таъкидланади мактубда.

Совет ҳукумати, деилади ҳужжатда, жаҳонда юз берган сиёсий юмшаш билан бирга ҳарбий кескинлик ҳам юмшатилиши керак, деб ҳисоблайди. СССР ташқи ишлар министри ўз мактубида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ўз ҳарбий бюджетларини 10 процент камайтиришлари ва шу йўл билан тежаб қолинган маблағнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам тариқасида бериш лари шу мақсадга эришиш йўлида самарали восита бўлади. Совет таклифига кўра, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган мамлакатларнинг шу 1973 йилги ҳарбий бюджетлари даражаси таклиф этилаётган қисқартириш учун асос қилиб олиниши ва ана шу қисқартириш натижасида ҳосил бўлган маблағларнинг бир қисми, масалан 10 процентн ривожланаётган мамлакатларга ёрдам тариқасида берилиши мумкин.

Бу тадбирнинг амалга оширилиши Хавфсизлик Кенгаши нинг истисносиз барча аъзолари иштирок этишини талаб қилишини таъкидлаб, СССР ташқи ишлар министри ўз мактубида уқтириб ўтадики, шундай қарорнинг қабул қилиниши мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ҳамда халқаро аҳволни яхшилаш жараёнининг барқарор бўлишига ҳеч шубҳасиз ёрдам берган бўлур эди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли корхоналар ва ихтисослаштирилган совхозларнинг коллективлари беш йиллиннинг учинчи, ҳал қилувчи йили учун олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, маҳсулотни реализация қилиш ҳамда маҳсулот турларининг кўпчилигини ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш тўқиз ойлик планини 25 сентябрда ado этдилар. Ой охиригача планга қўшимча равишда яна 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Жанубий Африка африкаликлар Миллий конгрессининг бош секретари Альфред Нзо Ўзбекистонга келди. У КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Ўзбекистон меҳмони 26 сентябрда Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, «Ташсельмаш» заводида бўлди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

(ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР ЮТУҒИ

Тошкент область, Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози сабзавоткорлари катта меҳнат ютуғини қўлга киритдилар. Хўжалик коллективи давлатга сабзавот сотиш йиллик топшириғини муддатидан анча олдин ортиғи билан ado этди. Шу кунгача қабул пунктларига 5230 тонна сабзавот етказиб берилди. Шунингдек картошка, гўшт тайёрлаш йиллик планлари, тўққиз ойлик сут тайёрлаш плани ҳам ошириб бажарилди.

Совхоз сабзавоткорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача яна 1600 тонна сабзавот ҳосили йиғиб териб олиш ва давлатга сотишга қарор қилдилар. Хўжаликда эртаги экинларга ер тайёрлаш ва чорва қишловига ҳозирлик кўриш ишлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда.

ЎҚИШГА ҲАВАС

Сурияда ўн бешинчи сентябрда янги ўқув йили бошланди. Шу муносабат билан мактабларда ўқувчилар учун керакли бўлган ашёлар савдоси авжида. Дамашқ кўчаларида мактаб формасидаги болаларни учратасиз.

Сурия матбуоти янги ўқув йилига тайёргарликнинг борыши, мамлакат ёшларини тарбиялаш ҳамда таълим-тарбия муаммолари тўғрисида ёзмоқдалар. Суриянга мустамлакачилик режимидан мерос бўлиб келаётган саводсизликни тугатиш билан кураш матбуотнинг диққат марказида турибди. 1970 йили саводсизлар сони аҳолининг 54,9 процентини ташкил этди. Бу кўрсаткич бошқа араб мамлакатларига қараганда бир мунча дуруст. Лекин аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳали ҳам ўқиш ва ёзишни билмаслиги фактлигича қолмоқда.

1972 йилнинг 7 мартидаги президентнинг саводсизлик билан кураш ҳақидаги декрети муҳим роль ўйнади. Унда олти йил мобайнида саводсизликни тугатиш тўғрисида кенг ва аниқ план тузиб берилган. Бу декрет муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Биринчи йили катта дастлабки ишлар амалга оширилди: барча аҳоли пунктларида саводсизларнинг рўйхати тузиб чиқилди, уларни ўқитиш учун мингларча ўқитувчилар тайёрланди, 1.600 минг мактаб дарсликлар нашр этилди. Бу йил ликбезларга ёзилганлар сони ярим миллионга яқин кишини ташкил этади.

Саводсизликни тугатиш ишига мамлакатнинг жамоатчилик ва демократик ташкилотлари, шунингдек студент ва ўрта мактабларни битириб чиққанлардан 9 минг киши жалб этилди. Бу ишлар биринчи навбатда Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами билан қуриб берилган Ефрат гидроузелида давлат сектори экономикасида банд бўлган аҳоли ўртасида олиб борилмоқда.

Айниқса мактаб таълим-тарбиясини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 1960 йили 3261 та мактаб ишлаган бўлса, 1970 йилга келиб унинг сони икки мингга етди. Бошланғич мажбурий таълимни аста-секин амалга ошириш тўғрисидаги декрет турмушга татбиқ этилаётир. Ўн тўрт губернаторликнинг ет титасида бошланғич таълим мажбурий бўлди. Шунингдек, ўрта ўқув юртлари ва ҳунартехника мактабларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Шу йил июль ойида мамлакатнинг 20 мингдан ортиқ ёшлари ўрта мактабни тамомлади.

Олий ўқув юртлари бўйича ҳам бир мунча муваффақиятли натижаларга эришилмоқда. 1960 йили Суриядa атиги битта университет бор бўлиб, унда 10 мингдан сал кўпроқ киши ўқирди. 1970 йилга келиб олий ўқув юртларининг сони тўрттага етди, уларнинг 22 факультетида 40 мингга яқин студент таҳсил кўрмоқда. Бу йил Хомса шаҳрида янги олий ўқув юртларидан бири — Химия олий институти очилади.

Шундай қилиб, 1946 йили мустақилликка эришиб, новатталистик мустақил ривожланиш йўлини танлаган Сурия социал-экономикасини тубдан ўзгартираётир. Бу ерда феодализмнинг қолдиқлари, кўп асрлик мустамлакачилик ҳукмронлигидан мерос бўлиб келаётган қолоқликни тамомаи тугатиш юзасидан фаол кураш кетмоқда.

А. ОГОРОДНИКОВ,
(АПН махсус мухбири).
Дамашқ.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ—УМУМХАЛҚ НАЗОРАТИДА

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Бу йил Андижон области мамлакатга 600 минг тонна пахта беради. Ялпи ҳосилнинг 60 процента машиналар билан териб олинади. Терим бошланиши биланоқ областда умумий сафарберлик эълон қилинди. Ишу-қари барча даланга чиқди. Дастлаб 140 минг киши пахта терди. Кейин уларга яна 20 минг теримчи қўшилди. Областда пахта тайёрлаш суръати кун сайин ортиб бормоқда. Йиллик планнинг 4-5 процента миқдорида «оқ олтин» топширилган кунлар кўп бўлди. Бугун андижонликларнинг Ватан хазинасига топширган пахтаси 300 минг тоннадан ошди.

Пахта учун курашнинг ҳал қилувчи даврига кирдик. Ҳосилнинг тенг ярми чаноқларда турибди. Планни бажарган хўжаликлар ҳам, бажариш арафасида турганлар ҳам, баравар ҳаракат қилишмоқда. Назоратчилар пахта учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларида ишламоқдалар. Улар ҳар доим пахтакорлар билан ҳамнафас, ҳамдард бўлишяпти. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга, партия, совет ташкилотлари катта эътибор бермоқдалар. Пахтани нобуд қилмай, тез ва соз йиғиб териб олишда, ташиш ва ғарамлашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Терим тақдирини машиналар ҳал қиляпти. Шунинг учун ҳам область ҳалқ контроли комитети терим агрегатларини мавсумга тайёрлашга, улардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор билан қаради. Ремонтдан чиқарилган машиналар махсус комиссия томонидан текшириб қабул қилинди. Ҳозир машина терими суръати борган сари ортиб бормоқда. Ҳар бир терим агрегати билан икки каторлига олиб ҳисоблаганда кунига 3,5-4 тоннадан «оқ олтин» терилишини таъминлашни мақсад қилиб олганмиз. Бу ишни назорат қилиб бориш учун алоҳида постлар ташкил қилинди.

Теримчилар, механик ҳайдовчилар, хирмонда ишловчилар, прицепчилар учун маданий-маиший шароит яратиб бериш ҳам назоратчиларнинг диққат-марказида. Ҳамма пахта пунктлари қошида ошхоналар ва чойхоналар ишлаб турибди. Дала шийпонлари яхши жиҳозланган.

Пахтамиз нондек азиз, толаси тиллага тенг, уни нобуд қилиш жиноят. Ҳалқ назоратчилари пахта нобудгарчилигининг олдини олиш учун бригадаларда теримчи ва механик ҳайдовчилар, шофер ва механизаторлар, хирмонда ишлаётган кишилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан терим суръатини ошириш, машиналар қувватидан унумли фойдаланишга бағишланган плакатлар, варақалар чиқарилди. Областда пахта нобудгарчилигига қарши кураш штаби тузилди. 600 дан ортиқ нобудгарчиликка қарши курашадиган постлар ишлаб турибди. Беш мингдан зиёд ҳалқ назоратчиси пахта нобудгарчилигига қарши кураш олиб боряпти. Улар қилаётган ишлари тўғрисида ҳалқ контроли группаларига ахборот бериб боришмоқда.

Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхози ҳалқ назоратчилари, Боёвут районидаги 3-«Боёвут» совхози ҳалқ назоратчиларининг пахта йиғим-терими муваффақиятли ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббусига ялдаллик билан қўшилиб, тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Область ҳалқ контроли комитети бу ташаббусни маъқуллади ва кенг ёйди. Шу кунларда колхоз ҳалқ назоратчиларининг асосий диққат-эътибори пахта йиғим-терими қисқа муддатда ўтказишга, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка қаратилган.

Москва район ҳалқ контроли комитети ҳам диққатга сазовор ишларни қиляпти. Районда пахта нобудгарчилигига қарши кураш олиб борадиган махсус группалар ташкил этилди. Уларга 70 ҳалқ назоратчиси жалб қилинган. Назоратчилар «Победа» колхозининг 2, 3, 6-бригадаларида терилган ифлос пахта тоза пахтага аралаштириб юборилаётганини аниқладилар.

Шу райондаги Охунбобоев номли колхозда 5,7 тонна, «Ленинизм» колхозида 5,8 тонна, Ленин номли колхозда эса 5 тонна пахта ифослиги учун чегириб қолинган. Бу аҳвол район ҳалқ контроли комитетида муҳокама қилинди ва тегишли чоралар кўрилди.

Пахтаобод район ҳалқ контроли комитети ҳам ибратли ишлар қилди. Энгельс номли колхознинг Абдуғаффор Нишонов бошлиқ бригадасида ўтдан тозаланмаган, барги тўкилмаган майдонларда машина терими бошлаб юборилган. Оқибатда пахта сифати бузилган. Район ҳалқ контроли комитети машина теримига бепаролик билан қарагани учун колхоз агрономи Б. Отақўзиев ва бригада бошлиғи А. Нишонова бир йилик маоши миқдорида жарима солди, колхоз раиси Мунаввар Кодировани огоҳлантирди.

Хўжаобод районидаги Карл Маркс номли колхоз ҳалқ контроли группаси ҳақида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин. Бу хўжалик райондаги йирик ва кўп тармоқли колхозлардан бири. Колхоз аъзолари 1275 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта кўтариш учун астойдил курашмоқдалар. Назоратчилар бу курашнинг олдинги сафида боришяпти. Ҳалқ контроли группаси пахта йиғим-терими мавсуми учун тадбирлар ишлаб чиқиб, унга қаттиқ амал қилмоқда.

Жалақудуқ, Кўрғонтепа, Бўз, Избоскан районлари ҳалқ контроли комитетлари, Андижон районидаги «Правда» колхози ҳалқ контроли группаси ҳам пахта йиғим-терими муваффақиятли ўтказиш, тез ва тоза териш, терим агрегатларининг унумли ишлашига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Халқимизда «Нонинг увоғи ҳам нон» деган гап бор. Шунга ўхшаш пахтанинг бир толаси ҳам пахта. Ватан омборига топширилган 300 минг тонна Андижон пахтаси граммлардан бунёдга келди. Қолган тоннаҳар ҳам ана шундай чаноқлардаги толалардан йиғилади. Областимиз ҳалқ назоратчилари пахта йиғим-терими тез ва соз ўтказиш учун бошланган юришда фаол қатнашадилар, пахта нобудгарчилигига қарши тинимсиз кураш олиб борамиз.

А. ОТАХОНОВ,
Андижон область ҳалқ контроли комитети раиси.

● ПАХТАМИЗ НОНДАЙ АЗИЗ, ТОЛАСИ ТИЛЛАГА ТЕНГ, УНИ НОБУД ҚИЛИШ ЖИНОЯТ. ● ГРАММЛАРДАН ТОННАЛАР, ЧАНОҚЛАРДАН «ОҚ ОЛТИН» ТОҒЛАРИ БУНЁД БЎЛИШИНИ УНУТМАЙЛИК. ● ТЕРИМЧИ ВА МЕХАНИК ҲАЙДОВЧИЛАРГА УНУМЛИ ИШЛАШ ВА ЯХШИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТАЙЛИК. ● ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ ДЕҲҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ, ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР МАРКАЗИ БЎЛСИН.

НАЗОРАТЧИЛАР ПОЧТАСИДАН

НОБУДГАРЧИЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Масъулиятли даврга бошланди. Далаларда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини пешма-пеш териб, қабул қилиб олиш, пахтанинг ҳўл-қуруқлигига, сифатига эътибор билан қараб, нобудгарчилик олдини олиш назоратчиларнинг муҳим вазифасидир. Бу борада талайгина ишлар қилдик ва қилмоқдамиз. Ҳалқ контроли группасининг олтита постига уюшган 36 назоратчи топширилган вазифани виждонан бажармоқда.

Биз ўз ишимизни ойма-ой ва ҳафталарга мўлжаллаб тузилган планларга асосланиб олиб бормоқдамиз. Бу кварталда учта асосий вазифани бажаришни кўзда тутмоқдамиз. Биринчиси — мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш вазифаси эди. Бу сохада исрофгарчиликка чек қўйдик. Иккинчи вазифа «Эски араб» тайёрлаш пунктида чўзилиб кетаётган ремонт ишларини тезлаштириш ва пунктни мавсумга тезроқ ҳозирлашдан иборат эди. Назоратчиларнинг актив иштироки билан ремонт тугалланди. Ҳозир бу ерда ҳам пахта қабул қилиб олинмоқда.

Учинчи вазифа пахтани қабул қилишда сифатга эътибор бериш, ҳосилнинг тўкилиб, нес-нобуд бўлиши олдини олишдир. Яқинда текшириш ўтказдик. Йўлларда 200 килограммдан ортиқ ҳосил тўкилгани ҳисоблаб чиқилди. Айбдор кишиларга нисбатан чора кўрилди. Мана, 10 сентябрдан буён бундай фактлар сира такрорланмаяпти. Ҳалқ назоратчилари далаларда бўлиб қуруқ, тоза пахта терилишини кузатиб бормоқдалар. Хирмонларда яхши қуритилган пахталаргина пунктга жўнатиляпти. Бу иш амалга оширилгач, ҳосилнинг сифати ҳам ошди. Биз — назоратчилар етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмасликка, ҳалқ мулкини кўз қорачиғидек асрашга даъват этилганмиз. Бу вазифанинг уддасидан albatta чиқамиз.

А. ОЛИМОВ,
Олтиариқ район пахта тозалаш заводининг қабул пункти ҳалқ контроли группаси раиси.

СИФАТ—МЕЗОН

Яқинда «Ленинград» колхозидан қабул пунктига телефон қилиб, кеча топширилган пахтани ҳўл деб қабул қилмабсизлар, биз теримга зўр бериб тиним билмасак, сизлар пахтани қайтариш билан оворасизлар, деб эътироз билдиришди.

Дарҳақиқат шу куни пунктга келтирилган уч прицеп пахта 8 процент ўрнига 9,29 процент намликда бўлгани учун қабул қилинмай қайтариб юборилган эди. Бунинг устига бошқа бригаданинг пахтасидан ГОСТ талаби бўйича 1,3 процент ўрнига 2,28 процент миқдорида чўп-ҳас, барг аралашгани сабабли 4,4 тоннаси чегириб қолинган эди.

Завод ҳалқ контроли группаси «Ленинград» колхози ва бошқа хўжаликларда пахта сифати бузилаётгани сабабларини аниқлаш учун зарур чоралар кўрди. Текширишда шу хўжаликнинг 4-бригадасида назорат бўшаштириб юборилгани сабабли ҳом пахта терилаётгани Дзержинский номли колхознинг С. Тўхтаназаров бошлиқ бригадасида хирмон ифлос ва тозаланмаганлиги сабабли пахтага қум, чўп-ҳас аралашаётгани, Охунбобоев номли колхознинг бир неча бригадаларида эса трактордан оққан мой тозаланмасдан туриб устига ҳосил ёйилгани маълум бўлди.

Назоратчилар И. Раҳматов номли колхознинг 4-бригадасида терилган пахтанинг кўп қисми чаноқдан ситиб олинганини аниқлашди. Тўрақўрғон районидаги Калинин номли, «Октябрь» колхозларида ҳам ҳом пахта терилаётгани маълум бўлди. Текшириш натижаси ҳалқ контроли группасининг, сўнгра район ҳалқ контроли комитетининг йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинди ва зарур тадбирлар белгиланди.

Сифат пахта териш, ташиш ва топиришда асосий мезон бўляпти. Ҳалқ назоратчилари бутун диққат-эътиборни ҳозир ана шунга қаратаётирлар.

О. ТОШБОЕВ,
Наманган пахта тозалаш заводи ҳалқ контроли группасининг раиси.

КЎМАКДОШЛАР

Уфққа бош қўйган чексиз пахтазорларга оппоқ қор ёққандек. Бутун қишлоқ аҳли барча дурга тўла «оқ олтин»зорга кўчиб чиқибди. «Зайгори кема»лар бункерида пахта шалоласи. Ҳамманинг дилида ҳам, қилида ҳам пахта. Каттаю-кичик барча терим билан банд. «Оқ олтин» карвонларининг кети узилмайди. Икки нарта ўртасига тушган сўқмоқ йўлдан борар экамиз колхоз ҳалқ контроли группаси раиси Чинпихон Мирзаева назоратчиларнинг иши ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.

Термиз районидаги Жданов номли колхоз 1610 гектар майдонда фақат ингичка толали пахта етиштирган. 19 та «зайгори кема» билан ялпи ҳосилнинг 60 процентн териб олинмоқда. Ҳалқ контроли группаси икки марта рейд ўтказди. Ундан мақсад пахта сифатини текшириш, камчиликларга барҳам бериш эди. Рейдда 195 назоратчи қатнашди. Б. Мўминов, А. Примқулов, В. Мирзақулов бошлиқ бригадаларда 10 тонна ҳосил ифлос ва нам ҳолида пунктга жўнатилгани аниқланди. Дала йўлларига, эгатларга тўкилган 30 тонна пахта териб олинди. Йўлларга 200 та яшчик ўрнатилди.

Шу кунларда ҳалқ контроли группасида 7 та секция иш олиб бормоқда. Айниқса механизация ва маданий-маиший хизмат секциясининг ишидан теримчилар ҳурсанд. Ҳалқ контроли группаси ташаббуси билан бригада дала шийпонларида теримчи ва механизаторларнинг яхши хордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратилди.

Назоратчилар ўтказган рейдда 390 гектар майдон теримга яхши тайёрланмаган, деб топилган эди. Карта атрофлари қайта текисланди. Эгатлар бегона ўтлардан тозаланди. Мана, натижа: сўнгги ўн кунликда бункерлардан 600 тоннадан зиёд пахта хирмонларга тўкилди. Машиналар ишга тушиши биланоқ суръат ошди. Кунлик пахта тайёрлаш 4 процентга етди. Ҳалқ назоратчилари Ҳолмурод Раҳматов, Омонмурод Ойтаев, Тоҳир Бобоалиев, Абдулла Шерназаров, Тожинор Мирзаҳулова-ларнинг ҳар бири бир кунда 8-10 тоннадан ингичка толали пахта теришяпти.

Ҳалқ назоратчилари Ҳолиёр Қурбонов, Шоҳиёз Жўраев, Ҳидирберди Авазов, Мели Маматов ва бошқалар ўрнак кўрсатиб ишлаётганликлари учун область ва район ҳалқ контроли комитетларининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Колхоз ҳалқ назоратчилари ванговар постда. Бу беминнат кўмакчилар йиллик планни 10 октябрда, олинган мажбуриятни эса 25 октябрда бажариш учун олиб борилаётган коллектив ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози ҳалқ назоратчилари пахта йиғим-терими суръатини янада ошириш резервларини излаб топиб, ишга туширимоқдалар. Хўжаликда бу йил 1080 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» сотиш мажбуриятн олинган. Кун сайин суръатга суръат, процентларга процент қўшилиб бораяпти. Суратда: ҳалқ назоратчилари (чапдан ўнгга) С. Турсунов, Қ. Ҳолматов ва В. Тё ўртоқлар навбатдаги рейд пайтида.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ГУЛИСТОН

Область ҳалқ контроли комитети пахта йиғим-терими юзасидан текшириш ўтказди. Назоратчилар 30 дан ортиқ колхоз, 37 та совхоз ва 15 та тайёрлаш пунктларида ишнинг аҳволи билан танишдилар. Янгиер, Пахтакор, Октябрь, Дўстлик ва Ворошилов районлари хўжаликларида жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Масалан, Мирзачўл районидаги Партия XXIV съезди номли совхознинг 2-бўлимида машиналар айланадиган жойлар тайёрланмагани сабабли карта четларидаги ғўзалар босиб-янчиб кетилган. Оқ олтин районидаги «Андижон» совхозининг 6-бўлимида дала вактида тайёрланмагани учун машиналар бўш туриб қолган. Область ҳалқ контроли комитети бу аҳволни муҳокама қилиб, айбдор кишиларга нисбатан тегишли чора кўрди, камчиликларни тугатиш тадбирларини белгиланди.

УРГАНЧ

Хоразм областида пахта тайёрлаш суръати кун сайин ошиб бормоқда. Аммо, Урганч, Гурлан ва Хива районлари хўжаликларида далалар вактида тайёланмагани сабабли машина теримида узилиш бўляпти. Область ҳалқ контроли комитети текшириш ўтказган куни Урганч районида ҳар бир машина билан атиги 1,9 тонна пахта терилган. Хазорасп районидаги Ленин номли совхоз, Боғот районидаги Димитров номли, Шовот районидаги «Ленинград» колхозларида машина терими учун ажратилган майдонлардаги ҳосил қўлда тердириб юборилаётир. Текшириш якуни область партия комитети бюросида ва ҳалқ контроли комитетида муҳокама қилинди. Аниқланган камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди.

БУХОРО

Бухоро областидаги бир қатор хўжаликларда машина терими ўрнига қўл теримига ўтиб бораяпти. Область ҳалқ контроли комитети ўтказган текширишда ана шу фактлар қайд этилди. Бухоро районидаги «Ленин йўли», «Янги турмуш» Вобкент районидаги «Пахтакор» ва Калинин номли, Ромитан районидаги «Октябрь» колхозларида уч-тўрттадан машиналар бузилиб ётибди. Карталар ўтдан тозаланмаган, машиналар айланадиган жойлар текисланмаган. Ҳалқ назоратчилари аниқланган камчиликларни тугатишда яқиндан ёрдам бердилар. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

Кўйни-қўйни тўла олтин куз серобарака дастурхонини кўз-кўз қиляпти. Офтобда оппоқ чақнаган пахтазорлар чексиз, қирғоқсиз. Қадоқ қўлли, юраги пахта ишқи билан ёнган, ўйлаётган «оқ олтин» бўлган пахта-ю кичик — барча қишлоқ аҳли далага, оппоқ момиқка бурганган серҳосил пахтазорларга кўчиб чиққан. Машиналар тинимсиз гуриллайди. Теримчиларнинг қўллари тинмай ҳаракатда. «Оқ олтин» лим-лим ўюлган прицепларни тиркаб олган пахта нарвонларининг нети узилмайди.

Болта Юсупов бошлиқ бригаданинг дала шийпонида «Партия XXII съезди» номли колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроқ ҳилпираб турибди. Бу бригада аъзолари сўнгги беш кунликда хўжаликда мусобақа илгори бўлди. 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ингичка толали пахта йиғиб-териб олиш ниятиқида меҳнат қилаётган бу меҳнатсевар кишилар планни уддалай деб қолишди. Ҳар кунги пахта тайёрлаш суръати 6-7 процентга чиқди. Бу бригададагина эмас, бошқа бригадаларда ҳам терим суръати тобора кўтарилиб бораяпти. Эллик центнерчи Теша Умрзоқов, Абрўй Ардурахмонов, Боймирза Шеров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам маррага тобора яқинлашиб келмоқдалар. Бу ютуқларнинг боиси нимада? Шу савол билан бригада аъзоларига мурожаат қилдик.

Муҳаррам Бобоназарова, теримчи: — Виждонан, кучимизни сира ҳам аямай ишлаяпмиз. Аммо, халқимиз қарс икки қўлдан, деб бежиз айтмаган. Колхозимиз правлениеси ва партия ташкилоти унумли меҳнат қилишимиз, яхши хордиқ чиқаришимиз учун етарли шароит яратиб берган.

Зулайхо Қўзнева, теримчи: — ҳар куни 120-130 килограммдан ингичка толали пахта теряпман. Дугонам Яхшигул Муҳамаднева ҳам шунча теряпти. Сафимизда кўпмиш килограммчилар кўп. Вақтдан унумли фойдаланяпмиз. Дам олиш соатларида аввалги йилларгадагидек уйимизга қатнаймаймиз. Кўнглимиз истаган овқат шийпонда тайёр. Телевизор, радио ишлаб турибди. Ҳоҳласак китоб ўқиймиз, ҳоҳласак шахмат ва шашка ўйнаймиз.

Қурбон Шеров, колхоз раиси: — мавсумда мусобақани авж олдирдик. Моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор катта. Иккита кўчма Қизил байроқ таъсис этилган. 60 минг сўм мукофот фонди ажратдик. Правление қарори билан терилган ҳар бир килограмм пахта учун 10 тийиндан ҳақ тўлаймиз. Барча бригадаларда типовой дала шийпонлари қурилган. Улар мавсумбоп қилиб жиҳозланган.

Колхоз ҳалқ контроли группаси пахта—йиғим терими билан банд бўлган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашни асосий вазифа қилиб қўйган. Бригада бошлиғи Болта Юсупов яқинда группада ана шу масала юзасидан хисоб берди.

Ленин номли, Энгельс номли колхозларда ҳам механизатор ва теримчиларга унумли ишлаш ва яхши ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратилган. Бизга Косон районида хўжаликларида 130 дан ортиқ типовой дала шийпонлари қурилгани ва мавсумбоп қилиб жиҳозланганн тўғрисида сўзлаб беришди. Бу яхши. Бироқ, ана шундай ютуқлар соясида камчиликлар ҳам борлиги текширишда маълум бўлди.

Рейд бригадаси аъзолари «Шарқ юлдузи» колхозининг А. Сатторов бошлиқ 2-бригадасида бўлганларида бригада бошлиғи уларга колхозчилар учун ҳамма зарур шароитларни яратганмиз, деб мақтанди. Текширишда бунинг акси бўлиб чиқди. Дала шийпонида болалар яслиси ташкил қилинган. Хона озода, ясаватларга оппоқ чойшаблар ва ёстиқлар қўйилган. Ҳаммаёқ сарамжон-саришта. Аммо маълум бўлишича бу ясли хонаси келган кишиларга кўз-кўз қилиш учун жиҳозланган экан. Гўдаклар қўшни хонада, кир-чир кигиз устида, қўлбола беланчакларда ухлаб ётишибди. Колхоз раиси Анор Жўмаев ва ҳалқ контроли группасининг раиси Тилав Суяровлар бир неча марта шу ерда бўлсалар ҳам бундай ачинарли аҳвол билан сира ҳам қизиқишмабди.

Энгельс номли колхознинг Карим Валиёров бошлиқ бригадасида ҳам яна шундай ўзибўларчилик рўй бераяпти. Дам олиш учун қулай шароит вужудга келтирилган дала шийпони ифлос, чанг-ғуброқ. Айниқса болалар боғчаси ва яслиси иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тарбиячи Розия Эшонқулова ва Сулув Баҳтиёровалар тарбиячиликни фақат гўдакларни аллалаб ухлатишу ота-оналарнинг қўли ишдан бўшагандан сўнг болаларини уларга топширишдан иборат деб билишаркан. Боғча учун ажратилган хонага кириб бўлмайди: бир энлик чанг, ғув-ғув пашша. Гўдакларга ҳам катталар учун пиширилган овқатдан берилаверар экан. Колхознинг фермаси бўлса ҳам боғча ва яслиларга сут келтирилмас экан.

«Ленинград» колхозининг 8-бригадасида теримчилар яхши дам олиш учун шийпонда ҳеч қандай шароит яратилмаганлигидан шикоят қилишди. Дарҳақиқат, шийпон бўм-бўш. Медицина хизмати кўрсатилмайди. Газета-журналлар йўқ. Бригада бошлиғи айтган «иссиқ овқат» ҳар куни қайта-қайта пиширилаверадиган макарон ва картошкалик шўрва экан. Ульянов номли колхознинг 14-бригадасида ҳам ана шундай аҳвол. Кўча ёқасидаги шийпоннинг бетон айвонига нимкта намат тўшаб, тўртта қўлбола беланчак осиб қўйишибди. Бунинг номи болалар боғчаси эмиш. Ҳалқ контроли группаси раиси Усмон Тошев шу бригада бошлиғи группада неча-неча марта муҳокама қилинганлигини, колхоз раиси ҳи неча-неча марта койинганлигини, аммо бунинг сира ҳам фойдаси бўлмаётганини айтиб, шикоят қилди.

Район матлубот жамияти, соғлиқни сақлаш бўлими, маиший хизмат комбинати раҳбарлари далада ишлаётганларга медицина савдо ва маиший хизмат тўла йўлга қўйилгани, бу ишдан колхозчилар ва совхоз ишчилари ғоят хурсанд бўлаётганини айтишган эди. Афсуски, хизматнинг номи бору, ўзи эса амалда йўқ экан. Теримчилар ва механизаторлар ана шундай хизматлар яхши уюштирилса бўларди, деган маънода район матлубот жамияти, соғлиқни сақлаш бўлими ва маиший хизмат комбинати раҳбарлари номига аччиқ-ароз гапларни айтишди. Биз ҳам уларнинг ана шу илтимосларини ушбу раҳбарларга етказяпмиз.

Косон райони бу йил давлатга ҳар гектар майдондан 40 центнер, жами 50 минг тонна «оқ олтин» сотади. Далаларда йиғим-терим авж олмоқда. Ишнинг янада унумли бўлиши учун теримчиларга, механик-ҳайдовчиларга ҳар томонлама шароит яратиб бериш лозим.

А. ГИЗАТУЛИН — Косон район ҳалқ контроли комитети раиси, Р. ТУРСУНОВ, П. ГАДОЕВ — «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

РАССОМ ХАНДАСИ

Самарқанд областида 2647 та терим машинаси тайёр деб маълумот берилган эди. Бироқ текширишда Хатирчи, Иштихон, Самарқанд ва Жомбой районларида 55 та машина ҳали ҳам ремонт кутиб турганн маълум бўлди. Каттақўрғон районидаги «Пролетарн» совхозида 3 та терим машинаси яхши созланмагани учун дала четига чиқарилганича турибди. (Хабарлардан).

Қизилтепа районидаги «Меҳнатроҳат», Ромитан районидаги «Ромитан» совхозларида пахта нобуд бўляпти. Свердлов районидаги Навоий номли колхознинг Н. Ҳасанов, Бухоро районидаги «Москва» колхозининг Т. Жўраев бошлиқ бригадаларида ҳосил эгатларга, йўлларга тўкилиб, тупроқ қоришиб ётибди. (Хабарлардан).

Яхши ҳордиқ — танга озуқ дейдилар. Бироқ Урганч районидаги «Пахтакор» колхози раҳбарлари буни унутиб қўйишяпти. Дала шийпонлари бўм-бўш. 6-бригада шийпонида эса беш кундан бери 50 бочка заҳарли химикатлар сақланмоқда. Боғот районидаги Тошкент, Жданов номли, Киров номли колхозларда ҳам далада ишлаётганлар учун шароит яратилмаган. (Хабарлардан).

Дала четидаги бекорчилик.

Кўйнидан тўкилса қўнжига.

Шийпон — шйп-шийдон.

А. Холиқов чизган расмлар.

Ўлкамиз ноз-неъматлари

ЯНГИЕР БОҒЛАРИДА

Янгиер шаҳрининг республикамиз харитасига тушганига эндигина 12 йил бўлди. Шу қисқа муддатда шаҳар боғларга бурканди. Мирзачўлнинг қоқ бағрида ажойиб ва гўзал маскан бунёд этилди. Эндиликда Янгиер атрофида янги шаҳарчалар қад кўтармоқда. Яқинигинада Янгиернинг кенжа ниси — Ширин шаҳри харитага олинди. Шаҳарда ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш трести ва кўчма колонналар коммунизмнинг муҳташам биносини тезроқ қуришдек юксак идеалларга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Янгиер шаҳри атрофларидаги хўжаликлар ҳам гуркираб ривожланиш йўлига тушиб олди. Шаҳар атрофидаги Мичурин номли, «Ширин» ва «Янгиер» совхозлари асосан боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлса, «Фарҳод» ва «Дружба» совхозлари она-Ватанга кўплаб дурдона — пахта, «Ховос» совхози эса мўл-кўл ғалла етиштириб бермоқда.

Мичурин номли совхоз (директори Х. Хасанов, бош агроном С. Рудов) она-Ватанга пландан ташқари тонна-тонна мева етказиб бермоқда. Шаҳар партия комитетининг аъзоси Обид Яҳёев етакчилик қилаётган 5-бригада коллективи боғлардан мўл мева ҳосили йиғиб-териб олдилар. Улар Ватан омборларига пландаги 380 тонна ўрнига 506 тонна мева топширдилар. Боғбонлар пландан ташқари яна 150 тонна олма териб беришга қарор қилдилар.

«Янгиер» совхози (директори Э. Ботиров, бош агроном Т. Асроркулов) боғларида ҳам мева, сабзавот, ҳосили мўл бўлди. Айниқса Александр Цой бригадирлик қилаётган сабзавотчилик бригадаси коллективи сабзавотдан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Улар пландаги 480 тонна ўрнига давлатга 900 тонна сабзавот етказиб беришга қарор қилдилар. Шу кунларда бригада далаларидан сабзи, пиёз, картошка, карам ортилган машиналар карвони давлат қабул пунктлари томон турнақатор бўлиб йўл олмоқда. Совхозининг Холиқул Қўшбоқов етакчилик қилаётган полизчилик бригадасида ҳам ҳосил мақтаса-мақтагулик бўлди. Бу бригада пландаги 780 тонна ўрнига давлатга 1200 тонна қовун-тарвуз топшириб, белгиланган планни 800 процент бажаришга муваффақ бўлди.

«Ширин» совхозининг боғларида (совхоз директори У. Ботиров, бош агроном В. Аҳмедов) мева ҳосили ҳар қачонгидан кўп ва мўл. Совхознинг Р. Жумаев етакчилик қилаётган богдорчилик бригадасида шу кунга қадар пландаги 200 тонна ўрнига 300 тонна мева топширилди. Боғбонлар давлатга яна 100 тонна мева етказиб беришга аҳд қилдилар.

Бу йил районимиз она-Ватанга қарийб 1,5 минг тонна мева етказиб бериши лозим эди. Ҳозирга қадар 2200 тонна мева топширилиб, белгиланган план 150 процентдан ошириб бажарилди. Район боғбонлари яна 800 тонна мева топшириб, боғлар эҳсонини 3 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. Бу меваларнинг асосий қисми Сибирь шаҳарларига, Хабаровск ўлкасига, Сахалинга, Амур областига ва бошқа узоқдаги қардошларимизга жўнатилмоқда.

Янгиер боғбонлари узум етиштиришда ҳам катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Планда белгиланганига кўра давлатга 2350 тонна узум топширилиши керак. Шу кунга қадар 2000 тонна узум топширилган бўлса, яна минг тонна узум етказиб беришга аҳд қилганмиз.

Янгиер боғларининг таърифи мамлакатга кенг ёйилмоқда.

Район боғбонлари ва соҳибкорлари бу юксак номга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилиб, боғлар ва узумзорларнинг кўркига-кўрк, ҳосилига-ҳосил, файзига-файз қўшиш учун астойдил курашадилар. Боғларимиз бойлиги эса дўстларга, узоқ-яқиндаги қардеш-биродарларимизга тортиқ бўлаверсин! Асл боғбоннинг чин муддаоси шу.

Сайфулла НАСУЛЛАЕВ,
Янгиер шаҳар партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.



Суратларда: саҳий ерларимиз саҳовати — ширин-шакар мевалари, қовун-тарвузлари.

И. Глауберзон фотолари.

БИР ЙИЛДА УЧ СИНФ

ФАКТ ВА ШАРҲ

КОМСОМОЛОБОД ҚИШЛОҒИ (Ўзбекистон ССР), 25. («Правда» мухбири И. Муқимов). Бу ердаги мактабнинг тўртинчи синф ўқувчиси, саккиз ёшли Рўзихол Шодиеванинг кунда лик дафтарига дастлабки «беш» баҳолар қўйилди. Унинг муаллими, халқ маорифи аълочиси Жўрақул Тўрақулов қизча ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Бу қизи мактабга келганидаёқ ёзиш ва ўқишни билар, масалаларни бир зумда ечиб ташларди. Икки ой деганда биринчи синф ўқувчиларининг программасини ўзлаштириб қўйди. Иккинчи чорак бошларида педагогика совети Рўзихолни иккинчи синфга, кейинроқ учинчи синфга ўтказишга қарор қилди. Ўтган ўқув йилининг охирида ўқитувчилар қизчанинг билимини текшириб кўриб, ундан имтиҳон олиб, тўртинчи синфга ўтказишга қарор қилишди.

Рўзихолнинг опалари ҳам ўқишда намуна бўлаётганликларини таъкидлаш керак. Уларнинг кундалик дафтарига нуқул аъло баҳолар қўйилган. Иқбол еттинчида, Турғунаҳол эса тўртинчида ўқийди. Уч укаси болалар боғчасига қатнашади. Уларнинг ота-онаси — Қодир ва Саодат Шодиевлар «Комсомолобод» совхозида ишлашади. Бу хўжалик Шеробод чўлининг қўриқ ерларида яқинда ташкил этилган. Шодиевлар бу ерга Бойсун тоғларидаги узоқ қишлоқдан кўчиб келишган.

Биз СССР Педагогика Фанлари академияси психология илмий-тадқиқот институти қобилиятлар психологияси лабораториясининг раҳбари профессор В. А. Крутецкийни шу хабар билан таништирдик. У «Правда» мухбири билан суҳбатда мана шуларни сўзлаб берди:

— Бу воқеа жуда ҳам диққатга сазовор: айтган қизчангиз ўз тенгдошларидан ўсишда тўрт-беш йил ўзиб кетибди. Бироқ бу фактга аллақандай шов-шувга сабаб бўладиган воқеа деб қараш янгилик тўғри бўлмас. Бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда баъзи-баъзида маҳорати, қобилияти эътибори билан ёшига қараганда атрофдаги кишиларни ҳайратга солувчи болалар ҳақидаги хабарлар тарқалиб туради. Бундай болалар хусусанда ҳатто «вундеркенд», яъни «мўъжизакор бола» деган тариқада алоҳида ном ҳам тўқиб чиқарганлар.

— Психологлар бундай воқеаларга қандай баҳо беришади?

—Илк ёшдаги ноёб қобилиятлар болада қулай табиий қобилиятлар, мия, асаб системаси тузилишининг хусусиятлари борлиги билан белгиланади. Лекин бундай аломатлар киша атоқли шахс бўлиши турган гап, деган маънони билдирмайди. Ҳамма нарсани кейинчалик олиб бориладиган таълим ва тарбия, боланинг ижодий фаолияти моҳирона ташкил этилиши ҳал қилади. Фақат ана шундагина баъзи ҳолларда қобилиятли болалар ўсиб-улғайиб, у ёки бу соҳада талантли кишилар бўлиб етишадилар.

Тарихда бундай мисоллар бор. Атоқли совет математиги, Арманистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Сергей Мергелян бошланғич мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ анчайин мураккаб тенгламаларни ҳал эта олган. Бизга шу нарса ҳам маълумки, атоқли совет композитори Сергей Прокофьев ўзининг музика соҳасидаги истеъдодини илк болалик чоғиданоқ кўрсата бошлаган.

Бироқ «вундеркендлар» вақт ўтиши билан кутилган умидни оқлаш ўрнига турсин, ҳатто оддий кишилар қаторида қолганлигини кўрсатувчи фактларни анча кўплаб келтириш мумкин. Шуниси борки, талантли кишиларнинг аксариятининг болалик чоғларида ўз яқин кишиларини фавқулодда қобилиятлари яқиндан кетганлиги билан ажаблантирган эмаслар. Масалан, машҳур математик академик Николай Николаевич Лузин мактабда дарсларни жуда ҳам заиф ўзлаштирган ўқувчи бўлган. У билимларни эгаллашга бўлган алоҳида интилишини нисбатан кечроқ — 15-17 ёшларидагина кўрсатган.

Болаликда яқиндан кўринган алоҳида қобилият кўпгина кишиларда ёш ўтиши билан ниманинг ўзи ўсиб кетганлиги фанга ҳали бутунлай аниқ эмас. Бунинг «сири» афтидан бир ҳар бир боланинг бундан буён ижодий ривожланиши учун унинг характери, психикасига хос хусусиятларга қараб ҳали зарур шарт-шароитлар яратилмаётганлигимизда бўлса керак.

— Ана шу ўзбек мактаб ўқувчиси каби болаларнинг ўқитувчиларига, ота-оналарига қандай конкрет тавсиялар бериш мумкин?

— Энг катта қийинчилик шундан иборатки, у ёки бу болани ўқитиш, тарбиялашнинг олтимал шарт-шароитларини топиш қийин. Бундай ҳолларда кўпинча характерли иккита хатога йўл қўйилиб, Баъзан ота-оналар боланинг қобилиятлари барвақт ривожланаётганлиги, ошиқча банд бўлиши унинг соғлигига таъсир ўтказиши мумкин, асабийлашишга олиб келади ва боланинг билимга, ижодкорликка бўлган интилишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиши мумкин деб ташвишланадилар. Боланинг миясн «озиқ» талаб қилади. Унга эса ҳали эрта деб бундай «озиқ»ни бермайдилар... Иккинчи хато эса - бошқачароқ. Боланинг мактаб программасига нисбатан кўпроқ нарсаларга қобилиятли эканлигини кўриб ота-оналар, жумладан ўқитувчилар ҳам унинг ривожланишини ҳаддан ташқари тезлаштириб юборадилар, ақлий меҳнат билан шуғулланишга болани банд қилиб қўядилар, жуда кўплаб қийин топшириқларни гарчи у чарчаётганлигидан шикоят қилса ҳам, ҳал этишга мажбур қиладилар.

Машғулотларнинг тўғри «миқдори» мактаб ўқувчисининг шахси малакали психолог томонидан педагог, ота-оналар, врач билан ҳамкорликда тадқиқ қилинганидан кейингина белгиланиши мумкин. Кези келганда шуни айтиш керакки, Тошкентда Ўзбекистон Маориф министрлиги ҳузуридаги педагогика фанлари институтида психология соҳасида ишлаётган йирик мутахассислар бор.

— Истеъдодини кўрсатган болаларни навбатдан ташқари бир синфдан бошқа синфга кўчириш практикасига сиз қандай қарайсиз?

— Биз бундай практикага эҳтиёткорлик билан қараймиз. Бизнинг фикримизча, қобилиятли боланинг бир синфдан иккинчи синфга мудатидан илгари «сакраб» ўтишига интилишнинг ҳожати йўқ. Бундай қилиш баъзан ўқитни оғлайди, лекин кўпинча салбий оқибатлар билан боғлиқ бўлади. Зеро бола ақлий қобилиятлари жиҳатидан ўз тенгдошларидан ўзиб кетиши мумкин, лекин ахлоқий ривожланиши жиҳатдан у одатда ўз тенгдошлари каби бир ҳолатда қолаверади.

Шунга диққатни жалб қилишни истар эдикки, кўпинча қобилиятли болага ҳаммаэ эътибор билан парвона бўлади, уни мақтайди. «Вундеркенд»лар шанига айтилган мақтовлар оқибатда тузатиб бўлмайдиган зарар етказади, ривожланиб келаётган талантга гоят даражада ёмон таъсир ўтказади.

Ўзбекистон олий ўқув юртларининг психологлари, педагоглари Рўзихол Шодиевани ўз назар-эътиборлари остига оладилар, оиласига ва мактаб коллективига бу қизни ўқитиш ва тарбиялашни тўғри ташкил этадилар, деб умид билдирамиз.

В. МОЛЧАНОВ,
«ПРАВДА»нинг 1973 йил 26 сентябрь сони.

СПОРТ

ЭНГ ЯХШИ ҲУЖУМЧИ

Қишлоқ футбол коллективларининг СССР кубоги — «Олтин бошоқ» совғини учун Москва областининг Дмитров шаҳридаги мусобақалари тугади. Якунловчи тур ўйинлари қор босган майдонда бўлди. Финалда биринчи бўлиб стадионга Красноярск ўлкасининг «Красноармейский» командаси билан республикамизнинг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози футболчилари тушишди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Красноярск ўлкаси вакиллари баланд руҳ билан ўйнаб ҳисобни 6:1 қилишга эришдилар. Лекин Ўзбекистон футболчилари ҳам майдондан қолиб чиқиш ҳаракатини қилдилар. Шундай бўлса-да, ўйин 7:4 ҳисоби билан тугади. Кейинги ўйин Москва областининг «Останкино» совхози ва Грузиянинг «Лайтуғ» чойчилик совхози футболчилари ўртасида бўлди. Бу учрашув 2:0 ҳисобида тугади.

«Олтин бошоқ» кубоги учун мусобақаларда «Останкино» ҳамда «Красноармейский» командалари 11 тадан очко жамғардилар. Эртасига ана шу коллективлар биринчилик учун курашдилар. Ўйин 0:1 ҳисобида тугади. «Красноармейский» командаси СССР кубоги эгаси бўлди ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг мукофотини қўлга киритди. «Останкино» иккинчи ўринни олди. Грузиянинг «Лайтуғ» совхози учинчи ўринга чиқди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози команда сининг ҳукумчиси Рашид Ҳусниддинов финал мусобақаларининг энг яхши бомбардири деб тан олинди.

ЯНА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Тбилиси шаҳрида СССР кубоги учун спорт гимнастикаси ва гимнастика кўп курашининг айрим турлари бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари тугади. Ростов-Дон шаҳридан келган машҳур гимнастикачи Л. Туришчева матта галаба қозонди. Олимпиада чемпиони Л. Туришчева гимнастика машқларини мусобақанинг бошидан охиригача бир маромда муваффақиятли бажариб, дугоналари даврасида энг юқори кўрсаткичга эришди ва СССР кубогини қўлга киритди.

Р. Сихарулидзе иккинчи ва Г. Хряпина учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақаларда Ўзбекистондан уч вакилимиз иштирок этди. Халқаро классли спорт мастери Эльвира Саади кўп кураш программасида 74,475 балл тўплаб, тўртинчи ўринни олди. Гимнастика тўсинида машқлар бажаришда Э. Саади биринчи ўринни эгаллади ҳамда ана шу муваффақияти учун олтин медаль билан тақдирланди. Эркин машқларда у кумуш медалга муносиб кўрилди. Республикамиз вакилларидан Н. Махорт эркин машқларда олтинчи ўринга кўтарилди.

ЎЗБЕКИСТОН Ахборот

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЯНГИ ЗАВОД

Марказий Фарғонанинг Аччиқкўл массивида «Наабаҳор» шаҳрининг пойдевори қад кўтаряпти. Бу ерда жамоат биноларн, уй-жойлар, болалар муассасаларн қурилиши учун бетон қоришмаларн ишлаб чиқарадиган янги завод ишга туширилди. Заводни Задарёдаги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси барпо қилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Шофиркон район матлубот жамияти пахтакорларга савдо хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйди. Ҳозир 11 та сотувчисиз магазин колхозчилар хизматида. Б. Воҳидов, Т. Холмуродов, Х. Очилова, И. Акромов, Р. Абдуллаева каби ходимлар райондаги «Ўзбекистон», «Ленинобод», «Шофиркон» ва Охунбобоев номли колхозларда савдо қилаётирлар.

М. ҲАМИДОВ.

ТЎҚУВЧИЛАР МАМНУН

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи-хизматчиларидан 72 онла Богдан Хмельницкий кўчасида қад кўтарган тўққиз қаватли уйда ховли тўйлари ўтказди. Бу бино шу кўчада қурилган уйларнинг бешинчисидир. Яна бешта кўп қаватли турар-жой бинои қурилиши жадал олиб борилмоқда. Кейинги икки ойда яна юздан ортиқ тўқимачилар оиласи янги уйларга кўчиб кириша ди.

Б. САЙДАЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ЦИРКИ— БАҒДОДДА

Бир неча кун бўлдики, тошкентлик цирк артистлари ва улар билан бирга озарбайжонлик паҳлавон Али Эльбурс Бағдод райони пахтакорлари ҳузурида меҳмон. Алининг тош ирғитишлари, акробат ва фокусчиларнинг мураккаб ҳаракатлари, масҳарабозларнинг ичакузар томошалари бағдодлик деҳқонларни мамнун қилди. Тошкентлик санъаткорлар Фарғона водийсининг бошқа районларида ҳам ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Н. БОҚИЕВ.

БУРГУТ БИЛАН ОЛИШУВ

Туш пайти. «Ленинизм» колхозининг 7-бригадаси аъзолари овқатланишаётган эди. Тўсатдан даҳшатли овоз эшитилди.

— Бирор киши сувга тушиб кетдимикан,— деб ўйлашди ўтирганлар. Тугал Шомуродов овоз чиққан томонга югурди. Не кўз билан кўрсинки, даҳшатли бургут 10 ёшли болага чанг солар, уни осмонга кўтаришга ҳаракат қилиб қанот қоқарди. Ўлжани бой бермасликка уринган йиртқич Тугалга ҳам чанг солди.

Анча олишувдан сўнг йиртқич бир томонга ёнбошлаб қолди. Йиртқич чангалидан қутилган 10 ёшли Змёдулла Мелиқулов кўрқанидами, номи демай ўйнга қараб қочди. Бургут ўлжа олинди.

П. ҲАМДАМОВ.

Самарқанд райони.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.35 — Музикали кўрсатув. 19.15 — Ахборот. 19.30 Социализм дунёси. МОСКВА. 22.00— Ота-оналар университети. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — ОЛТИН ВОДИЙ. 22.00 — «Вақт». 22.30 — БУСТОН. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 —МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Тошкент—Олмаота мусобақаси. 20.00 —МОСКВА. Баскетбол бўйича Европа чемпионати. СССР—ПОЛЬША. 20.40 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. Физкультура ва спорт. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Салом, Мария** (бадиий фильмнинг 2-сериясн). 20.20 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 — **Ҳамкор муаллифлар** (телевизион бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IX да **Табассум ўғрилари,** 29, 30/IX да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IX да **Хотинимнинг эри,** 29/IX да **Тоғ гўзали,** 30/IX да **Лаҳма.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Иван Анисимов раҳбарлигидаги ўргатилган айиқлар аттракциони** (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари — кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва 7 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Рам ва Шам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Робинзон Крузо ҳаёти ва ажойиб саргузашти — «СПУТНИК» (11.00, 13.00, 18.00, 21.00), «МОСКВА» (10.00, 14.00, 18.00). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 21.45).

Тартиб учун қилинган жиноят — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда). «СПУТНИК» (12.00, 17.00, 19.00).

Монолог — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 20.00), «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (12.00, 16.20, 21.45).

Угай она — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тасодифий адрес— ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Пойгачилар — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Привалов миллионлари (2 серия) «ЧАЙКА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Қашиндаги севги — «СПУТНИК» (14.00, 15.00, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Тартиб учун қилинган жиноят— «ФЕСТИВАЛЬ».

Анжелика — **фаришталар маликаси, Анжелика ва қирол** — «ХИВА».

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни 1972 йил ёки ундан олдинги йилларда тамомлаган ва камида 1 йил давомида узлуксиз ишчи ёки колхозчи бўлиб ишлаган ёшлар ва Совет Армиясидан бўшаб келган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимида ўқиш муддати 8 ой.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ тингловчиларни математика, амалий математика ва механика, физика, геология, биология, география, филология (рус, группаси), романо-герман, ҳуқуқшунослик факультетларига кириш учун тайёрлайди.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА АРИЗАЛАР — 1 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ТИНГЛОВЧИЛАРНИ БУЙРУҚ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ 25 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: Ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма (хизмат қилган жойидан), етуклик аттестати (асл нусхаси), иш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (2X4 см), меҳнат (колхоз) дафтарчаси.

Қабул қилинганлар стипендия, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР—1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаган тингловчилар конкурссиз ўқишга қабул қилинадилар.

Мўрожаат учун адрес: Тошкент-ГСП, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, «А» 512-хона.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича сиртқи факультетнинг 1-курсига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш ва иқтисод, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

Тўлиқ ўрта маълумотли, халқ хўжалиги тармоқларида, ташкилот ва муассасаларда яшаб турган кишилар ёшидан қатъий назар қабул қилинадилар. Танланган мутахассисликлари иш характерига мос тушса, қабул пайтида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ариза институт ректори номига ёзилади ва унда қайси мутахассислик бўйича ўқиш курсатилиб, қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади:

муфассал таржимаи ҳоли, тўлиқ ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), учта фото сурат: (3X4 см) иш жойидан характеристика- рекомендация, меҳнат дафтарчасидан корхона ёки муассаса раҳбари тасдиқлаган кўчирма; медицина справкаси (286-форма), иш ва турар жойидан справка.

Сиртқи бўлимга кирувчилар қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар:

Агрономия мутахассисликларига (агрофак, агрохимфак, ипакчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик) кирувчилар: химиядан (оғзаки), физикадан (оғзаки), биологиядан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

Иқтисод мутахассисликларига (экономфак, бухфак) кирувчилар: математикадан (оғзаки), географиядан (оғзаки), биологиядан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

Ўрмон хўжалиги мутахассислигига кирувчилар: математикадан (оғзаки), физикадан (оғзаки), химиядан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 8 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари — 10 декабрдан 24 декабргача давом этади.

Институтда ўқиш муддати— 5 йилу 4 ой, бухгалтерия ҳисоби факультетида 5 йил.

Аризалар қуйидаги адресга топширилади: Тошкент область, Оржоникидзе район, «Институт» алоқа бўлими. Сиртқи таълим факультетининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Ғўшт ва сут саноати министрлигининг МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРДИК ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИГА

ҳамда унинг Андижон, Самарқанд, Олмалиқ ва Нукус шаҳарларидаги филиалларига ғўшт-сут ва совутиш саноати мутахассислари, конструкторлар ва лойиҳачилар — биноқорлар, тепло-техниклар, техника эстетикаси бўйича инженерлар, молиячилар, экономистлар ва ҳисобчи ходимлар, патентшунослик ва ихтиочилик бўйича мутахассислар, сантехниклар (водопровод ва канализация), электриклар, газ пайвандчилар, ғўшт-сут ва совутиш саноати корхоналарининг ускуналарини, теплотехник ускуналари ҳамда контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани монтаж қилиш ва созлаш бўйича слесарлар, секретарь-машинисткалар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилишлари Бош бошқармасининг коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг республика комитети коллегия аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор, «Промстройматериал» трестининг бошқарувчиси, 1928 йилдан буён КПСС аъзоси

Қосимжон ЕҚУБЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллективи министр Ф. Х. Хўжаевга укаси

Ҳусниддин ДОНИЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — № 229. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 03715.